

Хотира мангулик тимсоли

2018 йил 8 май куни Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш муҳандислари институти 4-сонли талабалар турар жойида “Гидромелиорация” факультети “Тупроқшунослик ва дехқончилик” кафедраси мудири Обид Ҳақбердиев, Салимжон Буриев, Абдусамат Ахатов, Тозавой Тўраев, Шукурулло Зиядов ҳамда тарбиячи педагог Жавлонбек Қутлимуротовлар “9 май - Хотира ва қадрлаш куни”га бағишилаб “Инсон қадри ва унинг хотираси муқаддас” мавзусида давра сухбати ўтказишиди.

Давра сухбати давомида “Тупроқшунослик ва дехқончилик” кафедраси доценти Буриев Салимжон Самеджанович “Инсонга ҳар куни тинчлик-осойишталик ва хотиржамлик керак. Тинчлигини йўқотган хонадон ҳам, мамлакат ҳам асло хотиржам бўла олмайди. Тинчлик-хотиржамлик – тараққиёт гаровидир”- дея та'кидлаб о'тди.

Биз азал-азалдан тинчликсевар ҳалқмиз. Айнан шу ғоя тарғибига бағишиланган буюк миллий маънавий меросимиз бор. Уларнинг барида тинчликнинг қадрига етиш тарғиб этилади, уруш эса батамом қораланади.

9 майни “Хотира ва қадрлаш куни” тарзида умумхалқ байрами сифатида нишонлаб келаётганимиз замирида ҳам айнан ана шу эзгу мақсад ётибди.

ИИ жаҳон урушида Ўзбекистонимиздан 1 миллион 433 минг 230 нафар киши иштирок этди. 604 минг 52 нафар ҳамюртимиз уруш майдонларидан ногирон бўлиб қайтди, 450 мингдан ортиқ ватандошимиз эса қонли жангларда ҳалок бўлди.

Ҳамон орамизда қанчадан-қанча уруш қатнашчилари, фронт ортида меҳнат-машаққат чекканлар бор. Ўтганларни хотирлаш, сафимиизда юрганларнинг эса қадрига етиш керак.

Мустақил Ўзбекистон ҳалқи ва давлати аввал-бошдан тинчлик-тотувлик тарафдори сифатида майдонга чиқди.

Умуман, дунёқарашни, яъники тафаккурни миллийлаштириш, миллий мафкуруни шакллантириш ярим мустамлака исканжасидан қутулган ёш давлат учун шу қадар муҳим эдики, бу - мамлакатнинг мамлакат, давлатнинг давлат бўлиб туришини таъминлайдиган бош омиллардан саналади.

Шу маънода мустақилликка эришганимиздан сўнг 9 майни шўро талқинидагича байрам қилиш бизнинг онг-у шууримизга мутлақо мос келмай қолган эди. Иккинчи жаҳон урушида иштирок этган ҳар бир ҳалқ уни ўзича эслайди, қурбонларини ўзича хотирлайди, жангдан омон қайтган, фронт ортида фидокорона меҳнат қилган ва бугун сафимиизда юрган фахрийларни ҳам ўзича қадрлайди.

Ўз мустақиллигига эришган давлатлар ичida Ўзбекистон бунинг чинакам намунасини кўрсатди. Хотира ва қадрлаш куни энди ўзгача, аниқроғи, миллий хусусият касб этди. Бу байрамнинг мазмун-моҳияти бутқул ўзгарди - у ҳалқ хотираси ва инсонни қадрлаш кунига айланди.

Ҳалқ хотираси деганда киши кўз ўнгидан Ватан ибтидосидан бугунига қадар шу юрт, шу ҳалқ деб курашган, куч-кудрати, ақл-заковатини аямаган, керак бўлса, шу йўлда жон фидо қилган не-не буюк зотлар бир-бир ўтади. Спитамен, Широқдан Туркон Хотун, Маҳмуд Торобийгача, Соҳибқирон Амир Темур, Мирзо Улуғбекдан Заҳириддин Муҳаммад Бобургача, Жалолиддин Мангубердидан, Нажмиддин Кубрографча ёдга тушаверади.

Бу байрамда Иккинчи жаҳон урушида ҳалок бўлганлар хотирланади, Афғонистон урушида ҳалок бўлганлар шўро сиёсатининг бегуноҳ қурбонлари сифатида эсланади, умуман, ўтганлар руҳи ёдга олинади, мустақиллик йилларида хизмат бурчини бажариш чоғида ҳалок бўлган ҳарбий хизматчилар ва ҳуқуқни муҳофаза қилиш органлари ходимларининг хотираси олдида хурмат бажо

келтирилади.

Бу дунёning марказида ҳазрати инсон туради. Шуни тан олмаган ҳар қандай ғоянинг мағзи – пуч, пойдевори – бўш, иморати – омонат. Фашизм ҳам, шўро мафкураси ҳам худди ана шу – инсонга, унинг табиати, феъл-атвори, мақсад-муддаолари га зидлиги, унинг эҳтиёжу манфаатларидан келиб чиқмагани учун буткул мағлубиятга учради.

Ҳамма ёқда номаълум аскарнинг рамзий қабрига дуч келар эдик... Ҳолбуки, жангда ҳалок бўлган тирик жоннинг ҳеч бири номаълум эмас эди. Ҳар бирининг ота-онаси, шаҳару қишлоғи, маҳалла-кўйи, қавму қариндоши, қўни-қўшниси, борингки, умр йўлдоши ёхуд севган ёри бор эди-ку!..

Очиғи, ўтган замонда қурбонларни хотирлаш ҳам, тирик қолганларнинг қадрига етиш ҳам шунчаки, яъни расмият учунгина эди, холос. Одамлар шахс сифатида эмас, омманинг таркибий қисми тарзидагина эсланарди. Ҳолбуки, ҳар қандай сиёsat ҳам, аслида, инсон учун, унинг манфаатларини ҳимоя қилишга қаратилган бўлиши керак эмасми?!

Энди Тошкент шаҳрининг марказида – Хотира майдонидаги 1999 йил 9 май куни очилган қадди дол Мотамсаро она сиймоси пойига битилган: “Сен доимо қалбимдасан, жигарим!” – деган сўзларнинг инсонийлигини, самимийлигини ўйлаб, бир юракдан ҳис этиб кўрайлик. Ҳалок бўлган тирик жон кимнингдир жигарпораси, демак, шу Ватаннинг фарзанди-ку! Ҳар бирининг ортидан қанча одам қон йиғлаб қолди. Умрининг сўнгги лаҳзасига қадар кўзларида ёши қуримай, ўғлини – жигарпорасини кутиб ўтган қанчадан-қанча мотамсаро она бор эди. Даҳшатли урушда ҳалок бўлган отажонини кўрмаган, унга, лоақал, бир бора бўлсин: “Дадажон!” – деб мурожаат қилолмай яшаётганлар – қанча.

Истиқлол йилларида 35 жилдлик “Хотира” китоби чоп этилди. Энди эса уруш қурбонларининг номи мамлакат пойтахтидаги Хотира майдонига ўрнатилган темир “дафтар”га зарҳал ҳарфлар билан битиб қўйилди.

Бу ерга зиёратга келган ҳар бир ватандошимиз, албатта, ўз жигари, ҳеч бўлмаганда, бирор қўшнисининг номига дуч келади. Беихтиёр, ўтганлар руҳига тиловату дуолар қилиб, юзига фотixa тортади...

Хуллас, Ўзбекистоннинг хоҳлаган шаҳари, исталган қишлоғи ёхуд овулидан келган одам бу ерга кириб, қай бир яқинининг муборак номини топади, албатта. 1999 йил 9 майидан эътиборан бу майдон мамлакатимиз фуқароларининг қалбига яқин, ўтганлар руҳи ёдга олинадиган, дуолар ижобат бўладиган гўшасига – муқаддас маконга айланди. Шундан буён бу ер – зиёратчилар билан гавжум.

Ҳозир барча минтақаларимиз, кўплаб шаҳарларимиз ва туманларимиз марказларида ҳам шундай хотира майдонлари барпо этилди, бу хайрли иш изчил давом эттириляпти.

Ўзбекистон Республикасининг Биринчи Президенти Ислом Каримовнинг: “Хотира ва қадрлаш деганда биз, аввало, ўзимизни инсон сифатида англашни, одамийлик фазилатларини улуғлашни назарда тутамиз”, – деган қимматли сўзлари замирида ана шундай моҳият ётибди.

Мамлакатимизда Хотира ва Қадрлаш куни умумхалқ байрамига қизғин тайёргарлик кўриш ишлари бошланиб кетди. Шу йилнинг 4 апрель куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев “Икkinchi жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармони ҳамда “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарори қабул қилинди.

Мазкур Фармонда 1941 – 1945 йиллардаги Икkinchi жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларининг ҳар бирига 5 миллион сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти бериш кўзда тутилган. Ушбу пул мукофотлари Икkinchi жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронларига тантанали

ва байрамона вазиятда топширилади.

фаҳрийларимизга уларнинг хоҳиш-истаклариға мувофиқ “Дамас”, “Ласетти” русумли ўзимизда ишлаб чиқарилган автомашиналар Тошкент шаҳар ҳокимлиги мутасаддилари, туманлар ҳокимлари, “Нуроний” жамғармаси ҳамда “Маҳалла” хайрия жамоат фонди шаҳар бўлимлари раҳбарлари, “Камолот” ЁИҲ етакчилари, маҳаллалар оқсоқоллари иштирокида тантанали равиша топширилмоқда.

Иккинчи жаҳон уруши тугаганига 73 йил тўляпти. Бу бир инсоннинг ўртача умрига тенг. Орамизда шу ёшдан катта бўлгандаргина уруш даврини кўрган. Бироқ, ғалабага эришилганидан кейинги йиллар осон кечди, деб ўйлайсизми? Ёки бу жанг жадаллар асоратлари бир умр одамлар қалбida чандик бўлиб қолмадими? Ким ҳам урушда ҳалок бўлган жигарини унута олади?

Инсон бор экан, хотира - муқаддас. Ҳеч ким, ҳеч нарса эсдан чиқмайди. Ҳалқ бугунги тинч-хотиржам замонни асраб-авайлаш, қадрига етиш учун ҳам урушни, унинг қаҳрамонларини, ғалабага муносиб ҳисса қўшган ҳеч бир кишини хотирасидан фориғ қилмайди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Хотира ва Қадрлаш кунига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Қарорида алоҳида таъкидланганидек: “Хотира – кечаги ўтмишни, аждодлар ўгитини, миллий меросимизни англатиб турувчи муқаддас китоб зарвараклариdek ҳаётимизни ёритиб туради. Қадр – инсонни юксакликка кўтаради, унинг фаолиятига, орзу-интилишларига, мақсад-маслакларига олижаноблик бағишлиайди”.

Шундай қилиб, истиқлол йилларида байрамларимизга муносабатимиз тубдан янгилангани орқали миллий онгимиз, инсоний тушунчаларимиз, фалсафий оламимиз бутунлай ўзгараётгани, XXI асрга тамоман бошқача руҳий-маънавий дунёқарашимиз билан кириб келганимизни пайқаш қийин эмас.

Хотира ва Қадрлаш кунини муносиб нишонлашдан кўзлаган бош мақсадимиз – Ватан ҳимоячиларини хотирлаш, орамиздаги фидойи инсонларнинг, тинчликнинг қадрига етиш, урушни қоралаш, тинч-осойишта яшаётганимиз, турмуш фаровонлигини таъминлаш учун тер тўкиб, унумли меҳнат қилаётганимизнинг шукронасини қилишдан иборат.

Бу ҳар қандай кишини маънан рағбатлантиради, уни яшашга, яратишга, элу юртга садоқат ва қатъият билан хизмат қилишга ундейди.

Зеро хотира ҳамиша муқаддас, қадр азиздир.



4-сонли ТТЖ тарбиячи педагоги Қутлимуротов Жавлонбек ахбороти,

Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов.